



АБУ ҲАНИФА РАҲМАТУЛЛОҲИ АЛАЙҲНИНГ МАШҲУР ШОГИРДЛАРИ

Ғиёсов Асқар Тиркашевич

Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом

институту “Ҳадис ва ислом тарихи фанлари”

кафедраси катта ўқитувчиси

Абу Ҳанифанинг раҳматуллоҳи алайҳи шогирдлари нафақат унинг фикҳини ёйишда балки ақидасини ҳам ҳозирги кунимизгача етиб келишига катта ҳисса қўшганлар¹²⁷. У кишининг шогирдлари ботил эътиқоддиларга раддия бериш мақсадида ақида бўйича биринчилардан бўлиб баҳс олиб борганлар. “Маноқиб ал-Кардарий” асарида Холид ибн Зайд Умарийдан шундай ривоят қилинган: “Абу Ҳанифа, Абу Юсуф, Имом Муҳаммад, Зуфар ва Ҳаммод ибн Аби Ҳанифа инсонларга калом илми билан раддия берардилар, яъни ўз муҳолифларини мулзам қилардилар”.

Устозлари Ҳаммод ибн Абу Сулаймон раҳматуллоҳи алайҳи вафот этганида Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳи қирқ ёшда эдилар¹²⁸. У киши ўз устозининг ҳалқадаги ўрнини эгаллаганлар. Шу вақтдан бошлаб шогирдларга таълим бериш ва фикҳ илмини ўргатишни ўзларига лозим тутдилар¹²⁹. У зотнинг дарслари, илмий баҳслари, фикрлари бора-бора алоҳида фикҳий мазҳабга айланган¹³⁰. Жуда кўп муҳаддис ва фақиҳлар у кишидан ривоят қилганлар¹³¹.

Ўз даврида машҳур бўлган бирор бир алломанинг шогирдлари Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳининг шогирдлари ададичалик кўп бўлмаган¹³². Улар орасида Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳининг фикҳини жамлаган ва у кишининг мазҳабини кенг ёйишда бекиёс хизмат қилган энг машҳур мужтаҳид шогирдлари¹³³ Абул Ҳузайл Зуфар ибн Ҳузайл ибн Қайс Анбарий, Абу Юсуф Яъқуб ибн Иброҳим ибн Ҳабиб Ансорий, Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний ва Ҳасан ибн Зиёд Луълубийлардир (раҳматуллоҳи алайҳим)¹³⁴.

¹²⁷ Биринчи бобнинг иккинчи параграфида бу борада батафсил маълумот берилган.

¹²⁸ Оқилов С., Примов С., Ғиёсов А.. Суннийлик таълимоти. – Б. 58.

¹²⁹ Нақийб. Ал-Мазҳаб ал-ҳанафий. – Б. 59.

¹³⁰ Оқилов С., Примов С., Ғиёсов А.. Суннийлик таълимоти. – Б. 58.

¹³¹ Заҳабий. Маноқиб Аби Ҳанифа. – Б. 20.

¹³² Ҳайтамий. Ал-Хойрот ал-ҳисон. – Б. 37.

¹³³ Нақийб. Ал-Мазҳаб ал-ҳанафий. – Б. 59.

¹³⁴ Абу Ҳанифанинг ушбу тўртта шогирдининг ҳаёти ва илмий мерос тўғрисида бир қанча илмий ишлар қилинган. Жумладан:

– Абул Яқзон Атия Жабурийнинг Ал-Азҳар университетиде “Ал-Имам Зуфар ва ороъуху ал-фикҳийя” мавзусида ҳимоя қилган докторлик диссертацияси;

– Абдуссаттор Ҳомид Даббоғнинг Қоҳира университетиде “Ал-Имам Зуфар ибн Ҳузайл: усулуҳу ва фикҳуҳу” мавзусида ҳимоя қилган магистрлик диссертацияси;

– Ал-Азҳар университетиде Абдузоҳид Аҳмад Шофий томонидан тайёрланган “Ҳаят Аби Юсуф” номли илмий рисола;

– Маҳмуд Матлубнинг Бағдод университетиде “Абу Юсуф: ҳаятуҳу ва осоруҳу ва ороъуху ал-фикҳийя” мавзусида ҳимоя қилинган магистрлик диссертацияси;



Зуфар ибн Ҳузайл раҳматуллоҳи алайҳи устозлари Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳнинг вафотидан сўнг у зотнинг дарс ҳалқасидаги ўринларида дарс берар эдилар. У кишидан сўнг Абу Юсуф ва сўнгра Муҳаммад ибн Ҳасан раҳматуллоҳи алайҳим давом эттирганлар¹³⁵.

Зуфар ибн Ҳузайл

Бу тўртталасининг ичида энг ёши каттаси Абул Ҳузайл Зуфар ибн Ҳузайл ибн Қайс Анбарий раҳматуллоҳи алайҳи ҳижрий бир юз ўнинчи санада туғилганлар¹³⁶. У киши фикҳ илмини чуқур эгаллаган, заковатли, фаҳм-фаросати ўткир, парҳезкор ҳамда илм, ибодат, фикҳ ва ҳадис ораларини ўзида мужассамлаштирган эдилар¹³⁷.

Кардарий “Маноқиб Аби Ҳанифа” асарида таъкидлашича, Зуфар ибн Ҳузайл Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳнинг дарсларида йигирма йилдан кўпроқ иштирок этгани ва одамларга ундан кўра насихатгўйроғини кўрмаганлигини айтган¹³⁸. У киши Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳнинг шогирдлари ичида қиёс жиҳатдан энг моҳири бўлганлар¹³⁹.

Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳи Зуфар раҳматуллоҳи алайҳнинг фазлини тан олар ва ҳурматини жойига қўйганлар. Ҳатто, бир куни унинг ҳақида: “Бу Зуфар ибн Ҳузайл, мусулмонларнинг имомларидан бири ҳамда шарафда, обрў-эътиборда ва илмда уларнинг кўзга кўринганларидан биридир”, деганлар¹⁴⁰. Имом Шофийий раҳматуллоҳи алайҳнинг устози Вакиъ ибн Жарроҳ раҳматуллоҳи алайҳи ўша давр уламолари ичида қадри улуғ бўлса ҳам Зуфар ибн Ҳузайл раҳматуллоҳи алайҳнинг дарс ҳалқаларига қатнаган ва унинг тўғрисида: “Сизни бизга Абу Ҳанифадан кейин унинг ўрнига ўринбосар қилиб берган Аллоҳга ҳамд бўлсин”, деганлар¹⁴¹. Яна Вакиъ

Абдулазийм Шарафуддиннинг Ғолиббандаги Дор ал-улум факултетида “Фикҳ Аби Юсуф байна муосирийҳи мин ал-фуқаҳо” мавзусида ҳимоя қилинган докторлик диссертацияси;

Фаҳд Муҳаммад Султон Хидрнинг Имом Муҳаммад ибн Саъуд номидаги ислом университети, қозилик олий маъҳадида “Абу Юсуф ва фикҳуҳу аллазий ихталафа фийҳи маъа Аби Ҳанифа” мавзусида ҳимоя қилган докторлик диссертацияси.

Муҳаммад Саййид Алий Дасукийнинг Қоҳира университети, Дор ал-улум факултетида “Ал-Имам Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний ва асаруҳу фий ал-фикҳ ал-ислабий” мавзусида ҳимоя қилган диссертацияси;

Муҳаммад Мақбул Ҳусайннинг Ал-Азҳар университетида “Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний ва асаруҳу фий ал-фикҳ ал-ислабий” мавзусида ҳимоя қилган докторлик диссертацияси;

Тароварий Момодунинг Риёз шаҳридаги Имом Муҳаммад ибн Саъуд номидаги ислом университетида “Ороъ ал-имам Муҳаммад ибн Ҳасан ал-усулийя” мавзусида ҳимоя қилган магистрлик диссертацияси;

Абдуссаттор Ҳомид Даббоғнинг Қоҳира университети, Дор ал-улум факултетида “Ал-Ҳасан ибн Зиёд ва фикҳуҳу байна муосирийҳи мин ал-фуқаҳо” мавзусида ҳимоя қилган докторлик диссертацияси.

¹³⁵ Куртубий Ибн Абдилбарр Юсуф ибн Абдуллоҳ ибн Муҳаммад. Ал-Интиқо фий фазоил ас-саласа ал-аимма ал-фуқаҳо. – Қоҳира: Матбаа ал-маъоҳид, 1350 ҳ. – Б. 178. (Бундан кейин: Ибн Абдилбарр. Интиқо) Абу Заҳра. Абу Ҳанифа. – Б. 193.

¹³⁶ Куброзода Абул Хайр Аҳмад ибн Мустафо ибн Халил Тош. Табақот ал-фуқаҳо. – Мавсил: Матбаа Найнаво, 1954. – Б. 19. (Бундан кейин: Куброзода. Табақот). Ибн Халликон Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Аби Бакр. Вафаёт ал-аъён ва анбаи абнаи аз-замон. – Байрут: Дор содир, – Б. 319. (Бундан кейин: Ибн Халликон. Вафаёт ал-аъён). Заҳабий. Сияр аълам ан-нубало. – Б. 35.

¹³⁷ Ибн Халликон. Вафаёт ал-аъён. – Б. 319. Заҳабий. Сияр аълам ан-нубало. – Б. 35.

¹³⁸ Кардарий. Маноқиб. – Б. 373.

¹³⁹ Ўша асар. – Б. 459.

¹⁴⁰ Куброзода. Табақот. – Б. 20. Тамимий. Ат-Табақот ас-санийя. – Б. 254-255.

¹⁴¹ Алий ибн Султон Муҳаммад Ҳаравий Қорий. Ал-Асмор ал-жанийя фий асма ал-ҳанафийя. – Ҳайдаробод: Доира ал-маориф ан-низомия, 1332. – Б. 535. (Бундан кейин: Алий Қорий Асмор ал-жанийя). Тамимий. Ат-Табақот ас-санийя. – Б. 256.



рахматуллоҳи алайҳдан ривоят қилинишича, у киши: “Ҳеч бир кишининг мажлиси менга Зуфарнинг мажлислари фойда берганчалик наф бермаган”, деганлар¹⁴².

Зуфар ибн Ҳузайл раҳматуллоҳи алайҳи Басра шаҳрида қози бўлганлар ва шу ерда ҳижрий бир юз эллик саккизинчи йили вафот этганлар¹⁴³.

Абу Юсуф

Абу Юсуф Яъқуб ибн Иброҳим Ансорий раҳматуллоҳи алайҳи ҳижрий бир юз ўн учинчи йили таваллуд топганлар¹⁴⁴. У киши фақиҳ бўлиши билан бир қаторда, тафсир ва мағозий илмлари ҳамда араблар тарихини ҳам тўлиқ эгаллаганлар¹⁴⁵. Халифа Ҳорун ар-Рашиднинг¹⁴⁶ хурматини қозонганлар ва унинг даврида аббосийлар қозилигининг раиси лавозимида ишлаганлар¹⁴⁷. У зот аввал Ибн Аби Лайло¹⁴⁸ раҳматуллоҳи алайҳнинг шогирди бўлганлар. Кейин эса Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳнинг дарсларида қатнашиб, у кишининг қўлида фақиҳ бўлдилар. Устозининг вафотигача унинг ёнида юриб илм ўргандилар¹⁴⁹.

Имом Заҳабий раҳматуллоҳи алайҳнинг таъкидлашларича, Абу Юсуф раҳматуллоҳи алайҳи Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳдан ўн етти йил давомида илм олганлар¹⁵⁰. Соймарий Ахбор “Аби Ҳанифа ва асҳобиҳи” асарида Абу Юсуф раҳматуллоҳи алайҳи устози Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳнинг олдидарига фақат касаллик сабаблигина бора олмагани ва бошқа пайтларда кечаси-ю кундузи у зотдан ажралмаганлари ҳақидаги ривоятни келтириб ўтганлар¹⁵¹.

Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳи унинг фазли ва илмини эътироф этганлар ва бир марта шогирдининг қаттиқ касал бўлганини кўриб, агар бу йигит вафот этса, ер юзининг энг билимдонидан ажралишини айтганлар¹⁵². Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳдан ривоят қилинишича, у киши: “Ҳеч бир киши Абу Юсуф мендан илм олганчалик илм ўрганмаган”¹⁵³ ва “У шогирдларим орасида илмни энг кўп жамлаганидир”, деганлар¹⁵⁴. Абу Юсуф раҳматуллоҳи алайҳи ҳижрий бир юз саксон иккинчи йили Бағдодда вафот этганлар¹⁵⁵. Ўзларидан кейин “Китаб ал-осор”,

¹⁴² Алий Қорий. Ал-Асмор ал-жанийя. – Б. 535.

¹⁴³ Ибн Қутлубғо. Тож. – Б. 170. Тамимий. Ат-Табақот ас-санийя. – Б. 255. Куброзода. Табақот. – Б. 21.

¹⁴⁴ Ибн Қутлубғо. Тож. – Б. 315. Соймарий. Ахбор Аби Ҳанифа. – Б. 91.

¹⁴⁵ Ибн Абдилбарр. Интиқо. – Б. 172.

¹⁴⁶ Унинг тўлиқ исми Ҳорун ар-Рашид ибн Муҳаммад Маҳдий ибн Абдуллоҳ Мансур. Аббосийларнинг бешинчи халифаси. Акаси Мусо Ҳодийдан кейин ҳижрий бир юз етмишинчи йилда халифа бўлган. Гўзал сийрат соҳиби, илмга ва унинг аҳлига муҳаббатли бўлган. Ҳижрий бир юз тўқсон учинчи санада вафот этган.

¹⁴⁷ Ибн Қутлубғо. Тож. – Б. 316.

¹⁴⁸ Унинг тўлиқ исми Муҳаммад ибн Абдурахмон ибн Аби Лайло Ясор Ансорий Куфий. Имом, фақиҳ ва бошқа турли илмларни эгаллаган. Умавийлар даврида Куфа қозиси бўлган. Кейинчалик Аббосийлар даврида ҳам ўттиз уч йил қозилик қилган. Ҳижрий бир юз қирқ саккизинчи йили вафот этган.

¹⁴⁹ Кардарий. Маноқиб. – Б. 394. Маккий. Маноқиб. – Б. 471.

¹⁵⁰ Заҳабий. Маноқиб. – Б. 64.

¹⁵¹ Соймарий. Ахбор Аби Ҳанифа. – Б. 93.

¹⁵² Абу Бакр Аҳмад ибн Алий ибн Собит Хатиб Бағдодий. Тариху Бағдод. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-арабий, нашр санаси номаълум. 4-жилд. – Б. 246.

¹⁵³ Маккий. Маноқиб. – Б. 472. Кардарий. Маноқиб. – Б. 394.

¹⁵⁴ Кардарий. Маноқиб. – Б. 397.

¹⁵⁵ Муҳаммад ибн Халаф ибн Ҳайён Вакиъ. Ахбор ал-Кузот. – Байрут: Олам ал-кутуб, нашр санаси номаълум. 3-жилд. – Б. 264.



“Ихтилаф Аби Ҳанифа ва ибн Аби Лайло”, “ал-Харож”, “ар-Рагд ала сияр ал-Авзоъий” каби асарлар қолдирганлар.

Муҳаммад ибн Ҳасан

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Ҳасан ибн Фарқад Шайбоний раҳматуллоҳи алайҳи ҳижрий бир юз ўттинчи йилнинг биринчи ярмида Восит¹⁵⁶да таваллуд топганлар. У кишининг ёшлиги Куфада ўтган. Бағдодда яшаганлар ва у ерда ҳадис дарсларини берганлар¹⁵⁷. Ҳижрий бир юз саксон тўққизинчи санада Рай¹⁵⁸да вафот этганлар¹⁵⁹.

У зот фақиҳ бўлиши билан бир қаторда луғат, ҳисоб, ҳадис ва наҳв илмларида ҳам илғор бўлганлар¹⁶⁰. Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳи нинг вафотидан кейин Абу Юсуф раҳматуллоҳи алайҳига шогирд бўлганлар. Имом Молик раҳматуллоҳи алайҳи ва бошқалардан ҳам дарс олганлар¹⁶¹. У зот тўрт мазҳаб асосчиларидан бири бўлган Имом Шофий раҳматуллоҳи алайҳининг устози бўлганлар¹⁶². Имом Шофий раҳматуллоҳи алайҳи: “Менга фикҳда меҳнати кўп синган одам Муҳаммад ибн Ҳасан¹⁶³дан кўра фақиҳроқ одам билан ҳеч ҳам бирга бўлмадим”,¹⁶⁴ деган гаплар манбаларда келтирилган. Аҳмад ибн Ҳанбал раҳматуллоҳи алайҳи ҳам бир неча дақиқ масалаларни Муҳамамад ибн Ҳасан раҳматуллоҳи алайҳининг китобларидан ўрганганлигини эътироф этган¹⁶⁵.

Ҳорун ар-Рашид даврида қози бўлганлар¹⁶⁶. Ҳанафий фикҳини ўз китобларида жамлаганлар. Жумладан: Мабсут, ал-Жомиъ ас-сағир, ал-Жомиъ ал-кабир, Зиёdot, ас-Сияр ал-кабир, ас-Сияр ас-сағир, ал-Ҳужжа ала аҳли ал-Мадина¹⁶⁷.

Ҳасан ибн Зиёд

Абу Али Ҳасан ибн Зиёд Луълуъий раҳматуллоҳи алайҳи Куфада туғилиб, Бағдодда яшаганлар¹⁶⁸. Қиёс масалаларида кўзга кўринган. Суннатни яхши тушунган ва унга эргашган. Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳи ижтиҳод қилган масалаларни яхши билганлар ва ривоят қилганлар¹⁶⁹.

Устози Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳининг вафотидан сўнг Зуфар ва Абу Юсуфлар раҳматуллоҳи алайҳимга шогирд бўлганлар¹⁷⁰. Ҳижрий икки юз тўртинчи

¹⁵⁶ Ҳажжож ибн Юсуф Басра ва Куфа ўртасида қурдирган шаҳар. Унинг Восит деб номланишининг сабаби икки шаҳар орасида жойлашганидир.

¹⁵⁷ Ибн Абдилбарр. Интиқо. – Б. 174.

¹⁵⁸ Табаристон ва Журжон яқинидаги машҳур шаҳар. Амирул мўъминин Умар ибн Хаттоб даврида ҳижрий йигирманчи йиллари тўлиқ фатҳ қилинган.

¹⁵⁹ Соймарий. Ахбор Аби Ҳанифа ва асҳобиҳи. – Б. 120-129.

¹⁶⁰ Ибн Қутлубғо. Тож. – Б. 238. Алий Қорий. Ал-Асмор ал-жанийя. – Б. 529.

¹⁶¹ Ибн Қутлубғо. Тож. – Б. 238.

¹⁶² Қураший Абу Муҳаммад Абдулқодир ибн Муҳаммад. Ал-Жавоҳиру-л-музийя фий табақтул ҳанафийя. – Миср: Ҳажр литтибаъа ва ан-нашр, 1413 ҳ. 3-жилд. – Б. 123.

¹⁶³ Хатиб Бағдодий. Тариху Бағдод. 2-жилд. – Б. 172.

¹⁶⁴ Соймарий. Ахбор Аби Ҳанифа ва асҳобиҳи. – Б. 124.

¹⁶⁵ Соймарий. Ахбор Аби Ҳанифа ва асҳобиҳи. – Б. 125.

¹⁶⁶ Ўша асар. – Б. 120,126,127.

¹⁶⁷ Ибн Надим Муҳаммад ибн Исҳоқ ибн Муҳаммад. Ал-Фихрист. – Байрут: Дор ал маърифат, 1415.– Б. 254.

¹⁶⁸ Хатиб Бағдодий. Тариху Бағдод. 7-жилд. – Б. 317.

¹⁶⁹ Сарахсий. Мабсут. 1-жилд. – Б. 3.

¹⁷⁰ Куброзода. Табақот. – Б. 22.



йили саксон ёшдан ўтиб вафот этганлар¹⁷¹. У кишининг фикҳ ва ҳадис бўйича китоблар ёзганлари манбаларда келтирилади¹⁷².

Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳнинг мазкур тўрт шогирдидан бошқа фақиҳ шогирдлари ҳам кўп бўлган. Мисол тариқасида Ҳаммод ибн Аби Ҳанифа, Нух ибн Аби Марям, Абу Мутиъ Ҳакам ибн Абдуллоҳ Балхий, Асад ибн Амр раҳматуллоҳи алайҳимларни келтириш мумкин¹⁷³.

Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳдан бир неча муҳаддис ва фақиҳлар ҳадис ривоят қилган. Тенгқурларидан Муғира ибн Миксам, Закариё ибн Аби Зоида, Мисъар ибн Кидом, Суфён Саврий, Молик ибн Миғвал ва Юнус ибн Аби Исҳоқ, Зоида, Шарик, Ҳасан ибн Солиҳ, Абу Бакр ибн Айёш, Исо ибн Юнус, Али ибн Мусхир, Ҳафс ибн Ғиёс, Жарир ибн Абдулҳамид, Абдуллоҳ ибн Муборак, Абу Муовия, Вакиъ, Абу Исҳоқ Фазорий, Муҳорибий, Язид ибн Ҳорун, Исҳоқ ибн Юсуф ал-Азрак, Муъофа ибн Имрон, Зайд ибн Ҳубоб, Саъд ибн Солт, Маккий ибн Иброҳим, Абу Осим Набил, Абдурраззоқ ибн Ҳаммам, Ҳафс ибн Абдурахмон Балхий, Убайдуллоҳ ибн Мусо, Абу Абдурахмон Муқриъ, Муҳаммад ибн Абдуллоҳ, Ансорий, Абу Нуайм, Ҳавза ибн Халифа, Абу Усома, Абу Яҳё Ҳиммоний, Ибн Нумайр, Жаъфар ибн Авн, Исҳоқ ибн Сулаймон Розий раҳматуллоҳи алайҳим ва бошқа кўплаб алломаларни мисол қилиш мумкин¹⁷⁴.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Алимов У. Суннат ва Ҳадис. – Тошкент. Шарқ, 2012.
2. Шайх Абдулазиз Мансур. Қуръони Карим маъноларининг таржима ва тафсири. –Тошкент.ТИУ,2007.
3. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Олтин силсила. Ҳилол нашр. 2013.
4. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Ҳадис ва Ҳаёт.Тошкент-2008.
5. Бухорий. Алжомеъ ассаҳиҳ. – Қоҳира. Дорушшаъб, 1987.
6. Абу Довуд. Сунан. – Байрут. Дорул китаб аларабий, 1346 х.
7. Муслим. Алжомеъ ассаҳиҳ. –Байрут. Дорул жайл, 1989.
8. Ибн Можа. Сунан. – Байрут. Дорул фикр. 2001.
9. Табарий М. Тарихул умами вал мулук. –Муҳсиния. 1988.
10. Зойфуллоҳ Роҳийлий. Имом абул Ҳасан Дорақутний ва осорухул илмийя. – PDF. Вариант 2000.
11. Байҳақий. Сунани кубро. –Ҳайдаробод. Низомия, 1344 х.
12. Муҳаммад ибн Абдулғани. Аълум. –Байрут. Дорул илм.1980.

¹⁷¹ Кавсарий Муҳаммад Зоҳид ибн Ҳасан ибн Алий. Ал-Имтаъ бисийрат ал-имомайн: Ҳасан ибн Зиёд ва соҳибихи Муҳаммад ибн Шужоъ. – Қоҳира: Матбаа ал-анвор, 1368 х. – Б. 51.

¹⁷² Абдуссаттор Ҳомид Даббоғ. Ҳасан ибн Зиёд ва фикхуҳу байна муосирийҳи мин ал-фуқаҳо. Бағдод: Дор ар-рисола, 1400 х. – Б. 248, 249. Фуад Сизгин. Тарих ат-турос ал-арабий. – Риёз: матобиъ жомийа ал-имам, 1403 х. – Б. 79.

¹⁷³ Заҳабий. Маноқиб Аби Ҳанифа. – Б. 19.

¹⁷⁴ Заҳабий. Маноқиб Аби Ҳанифа. – Б. 20.



13. Самъоний. Ансоб. –Ҳинд. Доиратул маъориф.1385 х.
14. Ибн Касир. Албидоя ван Ниҳоя. –Байрут. Мактабатул маъориф.1966
15. Хатиб Бағдодий.Тарихи Бағдод. –Байрут. Дорул кутубул арабий.1980.